БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 252 (5843)

2 Ноябрь 1985 й.

ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин

**Бугун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави лойиҳаси таклиф этилаётган ўзгартишлар билан бирга эълон қилинмоқда.**

**Уставга киритиладиган ва КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми маъқуллаган ўзгартишлар лойиҳаси КПССнинг барча аъзолари ва аъзолигига кандидатларнинг ялписига танишиши ва муҳокама қилиши учун босилмоқда. Муҳокама якунлари Устав лойиҳасини узил - кесил кўриб чиқиш пайтида эътиборга олинади.**

**КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди муҳокамасига ва тасдиғига тақдим этилади.**

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

*ЛОЙИҲА*

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

## (ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР БИЛАН)

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет халқининг жанговар синалган авангардидир, у СССР ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва зиёлиларининг илғор, энг онгли қисмини ихтиёрий асосларда бирлаштиради.

В. И. Ленин ишчилар синфининг илғор отряди сифатида тузган Коммунистик партия шонли кураш йўлини босиб ўтди, мамлакатимизда ишчилар синфини ва меҳнаткаш деҳқонларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига, пролетариат диктатурасининг ўрнатилишига олиб келди. Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Иттифоқида эксплуататор синфлар тугатилди, кўпмиллатли совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги вужудга келиб, муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. Социализм тўла-тўкис ва узил-кесил ғалаба қозонди. Пролетар давлати ўсиб, умумхалқ давлатига айланди.

КПСС ўзининг синфий моҳияти, идеологияси жиҳатидан ишчилар синфининг партияси бўлиб қолган ҳолда, бутун халқ партиясига айланди.

Партия халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади. У ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий формаси, совет жамияти сиёсий системасининг ўзаги, раҳбар ва етакчи кучидир. Партия мамлакат тараққиётининг бош истиқболини белгилаб беради, халқнинг бунёдкорлик фаолиятига илмий раҳбарликни таъминлайди, унинг пировард мақсадга — коммунизм ғалабасига эришиш йўлидаги курашига ташкилий, планли ва аниқ мақсадни кўзловчи характер бахш этади.

КПСС ўз ишини партия турмушининг ленинча нормаларига, демократик централизм, коллектив раҳбарлик принципларига оғишмай амал қилиш, партия ички демократиясини, коммунистларнинг ижодий активлигини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантириш, кенг ошкоралик асосида олиб боради.

КПССнинг ғоявий ва ташкилий бирлиги, монолитлиги, барча коммунистларнинг юксак онгли интизоми партия ҳаётининг бузилмас қонунидир. Фракциячилик ва гуруҳбозликнинг ҳар қандай кўринишини марксча-ленинча партиявийлик билан сиғиштириб бўлмайди, бунга партияда йўл қўйилмайди. Партия КПСС Программасини, Уставини бузувчи ва коммунист деган юксак номга хулқ-атвори билан доғ туширувчи шахслардан ўзини холи тутади.

КПСС ўзининг бутун фаолиятида марксча-ленинча таълимотга, ўз Программасига амал қилади. Бу Программада мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш асосида социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, совет жамиятини коммунизм сари янада олға силжитиш вазифалари белгилаб берилган.

КПСС марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантира бориб, революцион назарияга мутлақо ёт бўлган ревизионизм ва догматизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий курашади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқаро коммунистик ҳаракатнинг таркибий қисмидир. У пролетар, социалистик интернационализмнинг синалган марксча-ленинча принципларига қатъий амал қилади, қардош социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги ва жипслигини, жаҳон социализм системасини, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлашга актив кўмаклашади, миллий ва социал озодлик учун, империализмга қарши, тинчликни сақлаб қолиш учун курашаётган халқлар билан бирдамлигини намоён қилади.

## I. ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

1. Партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик взносларини тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади.

2. Партия аъзоси қуйидаги вазифаларни бажариши шарт:

а) партиянинг бош йўлини ва директиваларини қатъият билан, оғишмай амалга ошириш, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини оммага тушунтириш, шу сиёсатни амалга ошириш учун меҳнаткашларни уюштириш, партиянинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга кўмаклашиш;

б) меҳнатга ҳалол, ижодий муносабат, юксак уюшқоқлик ва интизомлилик намунасини кўрсатиш, совет ижтимоий тузумининг иқтисодий негизи бўлган социалистик мулкни эҳтиёт қилиб асраш ва кўпайтириш. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ўстиришга, замонавий фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий этишга сабот билан ҳаракат қилиш; ўз малакасини ошириш, илғор тажрибани қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, жамики янги, прогрессив нарсаларнинг тарафдори бўлиш;

в) мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда актив иштирок этиш, гражданлик бурчини адо этишда намуна бўлиш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини тобора тўла-тўкис амалга оширишга фаол кўмаклашиш;

г) марксизм-ленинизм назариясини эгаллаш, ўзининг сиёсий ва маданий билим доирасини кенгайтириш, совет кишиларининг онглилигини оширишга, ғоявий-маънавий камолотига ҳар томонлама кўмаклашиш. Буржуа идеологиясининг, хусусий мулкчилик психологиясининг ҳар қандай кўринишларига, диний хурофотларга қарши ва социалистик турмуш тарзига ёт бўлган бошқа қарашлар ва хулқ-атворларга қарши қатъий курашиш;

д) коммунистик ахлоқ нормаларига қатъий риоя этиш, социализмга хос социал адолат принципини қарор топтириш, ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатлардан юқори қўйиш, камтар ва виждонли, одамларга нисбатан меҳрибон ва эътиборли бўлиш, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб бериш, партия ва халқ олдида ҳаққўй ва ҳалол бўлиш;

е) пролетар, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги ғояларини меҳнаткашлар оммасига изчиллик билан сингдириш, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши курашиш, СССР халқларининг дўстлигини, социализм мамлакатлари билан, бутун дунё пролетарлари ва меҳнаткашлари билан қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга актив кўмаклашиш;

ж) СССРнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун тинимсиз кураш олиб бориш;

з) партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлигини мустаҳкамлаш, партияни унинг сафларига коммунист деган юксак номга номуносиб кишиларнинг кириб қолишидан эҳтиёт қилиш, ҳушёрлик кўрсатиш, партия ва давлат сирини сақлаш;

и) танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, камчиликларни дадил очиб ташлаш ва уларни бартараф қилишга эришиш, дабдабабозликка, манманликка, хотиржамликка, маҳаллийчиликка, маҳкамачиликка, кўзбўямачиликка қарши курашиш, танқидни бўғишга ҳар қандай уринишларга кескин зарба бериш, партия ва давлатга зарар етказадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши чиқиш ва бундай ҳаракатлар ҳақида партия органларига, то КПСС Марказий Комитетигача хабар қилиш;

к) партиянинг кадрларни уларнинг сиёсий, ишчанлик ва маънавий фазилатларига қараб танлаш йўлини оғишмай амалга ошириш. Кадрларни танлаш ва тарбиялашнинг ленинча принциплари бузилган ҳамма ҳолларда муросасиз бўлиш;

л) партиянинг барча аъзолари учун баб-баравар мажбурий бўлган партия ва давлат интизомига риоя қилиш. Партияда барча коммунистлар учун, уларнинг хизмати ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, бир интизом, бир қонун бор.

3. Партия аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) партия органларига сайлаш ва сайланиш;

б) партиянинг сиёсати ва амалий фаолияти масалаларини партия йиғилишларида, конференцияларида, съездларида, партия комитетларининг мажлисларида ва партия матбуотида эркин муҳокама қилиш, таклифлар киритиш, ташкилот қарор қабул қилгунга қадар ўз фикрини ошкора изҳор этиш ва ҳимоя қилиш;

в) партия йиғилишларида, конференцияларида, съездларида, комитетларнинг пленумларида ҳар бир партия органини, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар ҳар бир коммунистни танқид қилиш. Танқидни бўғишда ва танқид қилган кишини таъқиб этишда айбдор бўлган шахслар КПСС сафларидан чиқарилишга қадар қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилишлари лозим;

г) ўз фаолияти ёки хулқ-атвори тўғрисидаги масала муҳокама қилинадиган партия йиғилишларида, бюро ва комитетларнинг мажлисларида шахсан иштирок этиш;

д) партиянинг ҳар қандай инстанциясига, то КПСС Марказий Комитетигача саволлар, аризалар ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ўз мурожаатига тегишлича жавоб берилишини талаб қилиш.

4. Партия аъзолигига фақат якка-якка тартибда қабул қилинади. Партия аъзолигига онгли, актив ва коммунизм ишига содиқ ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг вакиллари қабул қилинади. Янги аъзолар белгиланган кандидатлик стажини ўтган кандидатлардан қабул қилинади.

Партияга 18 ёшга етган кишилар қабул қилинади. 25 ёшгача бўлган ёшлар партияга фақат ВЛКСМ орқали кирадилар.

Кандидатликдан партия аъзолигига қабул қилиш тартиби:

а) партияга аъзо бўлиб кирувчилар камида беш йиллик партия стажига эга бўлган ҳамда ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида ўзлари билан камида бир йил бирга ишлаб таниган уч КПСС аъзосининг рекомендацияларини тақдим этишлари лозим.

**Биринчи изоҳ.** Партияга кирувчи ВЛКСМ аъзолари ВЛКСМ район, шаҳар комитетидан рекомендация тақдим этадилар, бу рекомендация бир партия аъзосининг рекомендацияси ўрнига ўтади.

**Иккинчи изоҳ.** КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари рекомендация беришдан холи турадилар;

б) партияга қабул қилиш масаласи бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама этилади ва ҳал қилинади; йиғилишнинг қарори йиғилишда қатнашган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади ва у район партия комитети, районларга бўлинмаган шаҳарларда эса шаҳар партия комитети тасдиқлагандан кейин кучга киради.

Партияга қабул қилиш масаласи муҳокама қилинаётганда рекомендация берувчиларнинг ҳозир бўлиши шарт эмас. Партияга одатда, очиқ йиғилишларда қабул қилинади;

в) илгари бошқа мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг аъзолари бўлган СССР гражданлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига КПСС Марказий Комитети белгилаб берадиган қоидалар асосида қабул қилинади.

5. Рекомендация берувчилар рекомендация қилинган кишиларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий хислатларига доир характеристиканинг объективлиги учун партия ташкилотлари олдида жавобгардирлар, уларнинг ғоявий-сиёсий ўсишига ёрдам берадилар.

6. Партияга аъзо бўлиб кирувчиларнинг партия стажи бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилиши шу кандидатни партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилган кундан ҳисобланади.

7. Партия аъзоларини ва партия аъзолигига кандидатларни учётга олиш ва уларнинг бир ташкилотдан бошқа ташкилотга ўтиш тартиби КПСС Марказий Комитетининг тегишли инструкциялари билан белгиланади.

8. Узрсиз сабаблар билан уч ой мобайнида аъзолик взносларини тўламаган партия аъзоси ёки партия аъзолигига кандидат тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилиниши керак. Агар муҳокама вақтида шу партия аъзоси ёки партия аъзолигига кандидат ҳақиқатда партия ташкилоти билан алоқани узиб қўйганлиги аниқланса, у партиядан чиққан ҳисобланади, бу ҳақда бошланғич партия ташкилоти қарор чиқаради ва бу қарорни район ёки шаҳар партия комитетининг тасдиғига киритади.

9. Партия аъзоси ёки партия аъзолигига кандидат Уставда кўрсатилган вазифаларини бажармаганлиги ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилади: унга огоҳлантириш, виговор (қаттиқ виговор) бериш, учёт карточкасига ёзиш шарти билан виговор (қаттиқ виговор) бериш каби жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Олий партиявий жазо чораси партиядан чиқаришдир.

Унчалик жиддий бўлмаган ножўя хатти-ҳаракатлар учун ўртоқлик танқиди, партиявий ҳайфсан, огоҳлантириш ёки танбеҳ бериш каби партиявий тарбия ва таъсир чоралари қўлланилиши лозим.

Ножўя иш қилган коммунист бунинг учун аввало бошланғич партия ташкилоти олдида жавоб беради. Коммунист юқори орган томонидан партиявий жавобгарликка тортилган тақдирда бу ҳақда бошланғич партия ташкилоти хабардор қилинади.

Партиявий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётган пайтда имкони борича эътибор билан қараш ҳамда коммунистга қўйилган айбларнинг қанчалик асосли эканлигини синчиклаб текшириш таъминланиши лозим.

Партия аъзосига жазо берилгандан кейин бир йилдан кечиктирмай партия ташкилоти у йўл қўйган камчиликларни қандай тузатаётганлиги тўғрисида унинг ҳисоботини тинглайди.

10. Коммунистни партиядан чиқариш масаласи бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишида ҳал қилинади. Бошланғич партия ташкилотининг партиядан чиқариш тўғрисидаги қарори йиғилишда ҳозир бўлган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми бу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади ва у район ёки шаҳар партия комитети тасдиқлагандан кейин кучга киради.

КПССдан чиқариш тўғрисидаги қарорни район, шаҳар партия комитети тасдиқлагунга қадар партия билети ёки кандидатлик карточкаси коммунистнинг қўлида туради ва у ёпиқ партия йиғилишларида қатнашишга ҳақлидир.

Партиядан чиқарилган киши икки ой муддат ичида юқори партия органларига, то КПСС Марказий Комитетигача шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

11. Иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари ва аъзолигига кандидатларни, шунингдек ревизия комиссияларининг аъзоларини партиявий жавобгарликка тортиш масаласи бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинади.

Партия ташкилотларининг шу партия комитетлари аъзоларига ва аъзолигига кандидатларга ҳамда ревизия комиссиялари аъзоларига жазо бериш тўғрисидаги қарорлари одатдаги тартибда қабул қилинади.

Партия ташкилотларининг КПССдан чиқариш тўғрисидаги таклифлари шу коммунист аъзо бўлган тегишли партия комитетига маълум қилинади. Иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларининг аъзоларини ва аъзолигига кандидатларни ҳамда ревизия комиссиялари аъзоларини партиядан чиқариш тўғрисидаги қарорлар тегишли комитетнинг пленумида комитет аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

КПСС Марказий Комитети аъзосини ва аъзолигига кандидатни ҳамда КПСС Марказий Ревизия Комиссияси аъзосини партиядан чиқариш масаласини партия съезди, съездлар орасидаги даврда эса Марказий Комитет Пленуми Марказий Комитет аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овози билан ҳал қилади.

12. Партия аъзоси совет қонунларини бузган тақдирда икки томонлама — давлат олдида ва партия олдида жавобгар бўлади. Жиноий тартибда жазоланадиган ножўя ҳаракатлар қилган шахслар КПСС сафидан чиқарилади.

13. Партиядан чиқарилганларнинг ёки жазо олганларнинг шикоят аризалари, шунингдек партия ташкилотларининг партиядан чиқариш тўғрисидаги қарорлари тегишли партия органлари томонидан шу ариза ва қарорлар олинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирилмай кўриб чиқилади.

## II. ПАРТИЯ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР

14. Партияга кирувчилар КПСС Программаси ва Устави билан чуқурроқ танишиш ҳамда партия аъзолигига киришга тайёрланиш учун зарур бўлган кандидатлик стажини ўтайдилар. Партия ташкилоти кандидатга КПСС аъзолигига киришга тайёрланиш учун ёрдам бериши ва амалий ишларда, партия ва жамоат топшириқларини бажаришда унинг шахсий хислатларини текшириши лозим.

Кандидатлик стажи бир йил муддатга белгиланади.

15. Кандидатликка қабул қилиш тартиби (якка-якка қабул қилиш, рекомендациялар тақдим этиш, бошланғич ташкилотнинг қабул қилиш тўғрисидаги қарори ва уни тасдиқлаш) партия аъзолигига қабул қилишда қандай бўлса шундай бўлади.

16. Кандидатлик стажи ўтиши билан бошланғич партия ташкилоти кандидатни партия аъзолигига қабул қилиш масаласини қараб чиқади ва ҳал қилади. Агар кандидатлик стажини ўташ вақтида кандидат ўзини кўрсатмаган бўлса ва ўзининг шахсий хислатларига кўра унинг КПСС аъзолигига қабул қилиниши мумкин бўлмаса, партия ташкилоти уни партия аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу қарор район ёки шаҳар партия комитети томонидан тасдиқлангач, у КПСС аъзолигига кандидатликдан чиққан ҳисобланади.

17. Партия аъзолигига кандидатлар партия ташкилотининг бутун фаолиятида иштирок этадилар ва партия йиғилишларида маслаҳат овози ҳуқуқидан фойдаланадилар. Партия аъзолигига кандидатлар раҳбар партия органларига сайлана олмайдилар, партия конференциялари ва съездларига делегат бўлиб сайлана олмайдилар.

18. КПСС аъзолигига кандидатлар ҳам партия аъзолари тўлайдиган миқдорда партия взнослари тўлайдилар.

## III. ПАРТИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ. ПАРТИЯ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИ

19. Партия ташкилий тузилишининг, партия бутун ҳаёти ва фаолиятининг раҳбар принципи демократик централизм бўлиб, бунинг маъноси шуки:

а) партиянинг барча раҳбар органлари қуйидан юқоригача сайлаб қўйилади;

б) партия органлари ўз партия ташкилотлари олдида ва юқори органлар олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб турадилар;

в) партия интизомига қаттиқ риоя қилинади ва озчилик кўпчиликка бўйсунади;

г) юқори органларнинг қарорлари қуйи органлар учун мутлақо мажбурийдир.

20. Партия территориал-ишлаб чиқариш белгисига қараб тузилади: бошланғич ташкилотлар коммунистлар ишлаб турган жойда тузилади ва территория бўйича район, шаҳар ва шу каби ташкилотларга бирлашади. Муайян территориядаги коммунистларни бирлаштирувчи ташкилот унинг таркибидаги барча партия ташкилотларига нисбатан юқори ташкилотдир.

21. Барча партия ташкилотлари маҳаллий масалаларни ҳал қилишда автономдирлар, лекин улар чиқарадиган қарорлар партия сиёсатига зид бўлмаслиги керак.

22. Партия ташкилотининг юқори раҳбар органи: умумий йиғилиш ёки конференция (бошланғич ташкилотлар учун), конференция (район, шаҳар, округ, область, ўлка ташкилотлари учун), съезд (иттифоқдош республикалар Компартиялари учун, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси учун)дир. Йиғилиш, конференция, съезд агар уларда партия ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

23. Умумий йиғилиш, конференция ёки съезд бюро ёки комитетни сайлайди, бу бюро ёки комитет ижро қилувчи орган бўлиб, партия ташкилотининг барча кундалик ишларига раҳбарлик қилади.

КПСС Марказий Комитетида, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларида, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларида партия қарорларининг ижросини ташкил этиш ва текшириш юзасидан кундалик ишларни бажариш ҳамда қуйи ташкилотларнинг фаолиятига ёрдам бериш учун аппарат тузилади.

Партия аппаратининг структураси ва штатларини КПСС Марказий Комитети белгилайди.

24. Партия органларига сайлов ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан ўтказилади. 15 нафардан кам партия аъзоси бўлган бошланғич, цех ташкилотлари ва партия группаларидаги йиғилишларда партия ташкилотларининг секретарларини, секретарларнинг ўринбосарларини ва партия группалари ташкилотчиларини сайлаш коммунистларнинг розилигига биноан, очиқ овозга қўйиш йўли билан ўтказилиши мумкин.

Партиянинг ҳамма аъзолари сайлов вақтида номзодларни рад этиш учун ва уларни танқид қилиш учун чекланмаган ҳуқуққа эгадирлар. Ҳар бир номзод алоҳида-алоҳида овозга қўйилиши лозим. Йиғилиш, конференция ёки съезд иштирокчиларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Бошланғич ташкилотлардан то КПСС Марказий Комитетигача барча партия органларига сайлов ўтказиш вақтида улар составини мунтазам равишда янгилаб туриш ва раҳбарликнинг давомийлиги принципига риоя қилинади.

25. КПСС Марказий Комитетининг, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ўзларига кўрсатилган юксак ишончни бутун фаолиятлари билан оқлашлари лозим. Агар партия комитетининг аъзоси ёки аъзолигига кандидат ўз шаъни ва обрўсини туширса, унинг комитет составида қолиши мумкин эмас.

Партия комитети аъзосини, аъзолигига кандидатни унинг составидан чиқариш тўғрисидаги масала мазкур комитетнинг пленумида ҳал этилади. Қарор ёпиқ (яширин) овоз бериш натижасида партия комитети аъзоларининг камида учдан икки қисми шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ва маҳаллий партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг аъзоларини шу комиссиялар составидан чиқариш тўғрисидаги масала уларнинг мажлисларида партия комитетларининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар учун кўзда тутилган тартибда ҳал этилади.

26. Партия сиёсати масалаларини айрим партия ташкилотларида ёки умуман партияда эркин ва амалий муҳокама қилиш партия аъзосининг дахлсиз ҳуқуқидир ва партия ички демократиясининг муҳим принципидир. Партия ички демократияси асосидагина коммунистларнинг юксак ижодий активлигини, очиқ танқид ва ўз-ўзини танқидни, мустаҳкам партиявий интизом бўлишини таъминлаш мумкин, партия интизоми эса юзаки эмас, балки онгли интизом бўлиши керак.

Айрим ташкилотлар ёки умуман партия доирасида баҳсли ёки етарли даражада аниқ бўлмаган масалалар юзасидан мунозаралар бўлиши мумкин.

Умумпартиявий мунозара қуйидаги ҳолларда зарур бўлади:

а) агар бу мунозарани область, республика миқёсидаги бир қанча партия ташкилотлари зарур деб топса;

б) агар Марказий Комитет ичида партия сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан етарли даражада мустаҳкам кўпчилик бўлмаса;

в) агар КПСС Марказий Комитети сиёсатнинг бирон-бир масаласи юзасидан бутун партия билан маслаҳатлашишни зарур деб топса.

Партия сиёсати масалалари юзасидан кенг мунозара, айниқса, умумиттифоқ миқёсидаги мунозара шундай ўтказилиши керакки, партия аъзоларининг ўз қарашларини эркин изҳор қилишлари таъминланадиган ва партия бирлигини бузувчи фракцион группалар тузиш, партияни ажратиб юбориш учун уринишларга имкон берилмайдиган бўлсин.

27. Коллектив раҳбарлик партия раҳбарлигининг олий принципидир. Бу принцип партия ташкилотлари нормал ишлашининг, кадрларни тўғри тарбиялашнинг, коммунистлар активлигини ва ташаббускорлигини ривожлантиришнинг зарур шартидир, ўзбошимчалик билан субъектив қарорлар қабул қилинишига, шахсга сиғиниш кўринишларига, партия турмуши ленинча нормаларини бузишга йўл қўймайдиган мустаҳкам гарантиядир.

Коллектив раҳбарлик ходимларнинг топширилган иш учун шахсий жавобгарлигини соқит қилмайди.

28. КПСС Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари съездлар ва конференциялар ўртасидаги даврда ўз ишлари тўғрисида партия ташкилотларига мунтазам равишда ахборот бериб турадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

29. Партиянинг энг муҳим қарорларини муҳокама қилиш ва уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек маҳаллий ҳаётга оид масалаларни кўриб чиқиш учун район, шаҳар, округ, область, ўлка партия ташкилотлари ва иттифоқдош республикалар компартиялари активининг йиғилишлари чақириб турилади.

30. Партия комитетларида партия ишининг турли масалалари юзасидан доимий ёки муваққат комиссиялар ҳамда ишчи группалари тузилиши, шунингдек коммунистларни жамоатчилик асосларида партия органларининг фаолиятига жалб этишнинг бошқа формаларидан фойдаланиш мумкин.

## IV.
## ПАРТИЯНИНГ ЮҚОРИ ОРГАНЛАРИ

31. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг олий органи — партия съездидир. Навбатдаги съездлар Марказий Комитет томонидан камида ҳар беш йилда бир марта чақирилади. Партия съездини чақириш ва кун тартиби съездга камида бир ярим ой қолганда эълон қилинади. Навбатдан ташқари (фавқулодда) съездлар партия Марказий Комитети томонидан унинг ўз ташаббуси билан ёки сўнгги партия съездига вакил юборган партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмининг талаби билан чақирилади. Навбатдан ташқари (фавқулодда) съездлар икки ой муддат ичида чақирилади. Съезд барча партия аъзоларининг камида ярми вакил юборган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Партия съездига вакил юбориш нормаларини Марказий Комитет белгилайди.

32. Партия Марказий Комитети навбатдан ташқари (фавқулодда) съездни 31-моддада кўрсатилган муддатда чақирмаган тақдирда, навбатдан ташқари (фавқулодда) съезд чақиришни талаб қилган ташкилотлар навбатдан ташқари (фавқулодда) съезд чақириш юзасидан партия Марказий Комитети ҳуқуқларига эга бўладиган ташкилот комитети тузишга ҳақлидирлар.

33. Съезд:

а) Марказий Комитетнинг, Марказий Ревизия Комиссиясининг ва бошқа марказий ташкилотларнинг ҳисоботларини эшитади ва тасдиқлайди;

б) партиянинг Программаси ва Уставини қайтадан кўриб чиқади, ўзгартиради ва тасдиқлайди;

в) ички ва ташқи сиёсат масалалари юзасидан партиянинг йўлини белгилайди, партия ва давлат ҳаётининг, коммунистик қурилишнинг энг муҳим масалаларини қараб чиқади ва ҳал қилади;

г) Марказий Комитетни ва Марказий Ревизия Комиссиясини сайлайди.

34. Марказий Комитет ва Марказий Ревизия Комиссияси съезд белгилаган составда сайланади. Марказий Комитетнинг аъзолари Марказий Комитетдан чиқиб қолган тақдирда Марказий Комитетнинг состави съезд сайлаган КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар ҳисобидан тўлдирилади.

35. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети съездлар орасидаги даврда партиянинг, маҳаллий партия органларининг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, марказий давлат ташкилотларининг ва меҳнаткашлар жамоат ташкилотларининг ишларини йўналтириб туради, партиянинг турли органлари, муассасалари ва корхоналарини тузади ҳамда уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, ўз контроли остида ишлайдиган марказий газета ва журналларнинг редакцияларини тайинлайди, партия бюджетининг маблағларини тақсимлайди ва унинг ижросини контрол қилади.

Марказий Комитет бошқа партиялар билан алоқаларда КПСС номидан иш кўради.

36. КПСС Марказий Ревизия Комиссияси партиянинг марказий органларида ишларнинг юритилиши юзасидан белгиланган тартибга риоя қилинишини, меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш соҳасидаги ишни, партия бюджети ижросининг, шу жумладан партия взносларини тўлаш, қабул қилиш ва ҳисоблаб боришнинг тўғрилигини, шунингдек КПСС Марказий Комитети корхоналари ва муассасаларининг молия-хўжалик фаолиятини ревизия қилиб туради.

37. КПСС Марказий Комитети олти ойда камида бир марта Пленум мажлиси ўтказади. Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар Марказий Комитетнинг Пленумлари мажлисларида маслаҳат овози билан қатнашадилар.

38. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети: Марказий Комитет Пленумлари орасида партия ишига раҳбарлик қилиш учун Сиёсий бюро; кундалик ишларга, асосан кадрларни танлаш ва ижрони текширишни ташкил этишга раҳбарлик қилиш учун Секретариат сайлайди. Марказий Комитет КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлайди.

39. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Марказий Комитет ҳузурида Партия Контроли Комитетини тузади.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комитети:

а) КПСС аъзолари ва аъзолигига кандидатларнинг партия интизомига риоя қилишини текшириб туради, партия Программаси ва Уставини, партия ва давлат интизомини бузишда айбдор бўлган коммунистларни, шунингдек партия ахлоқини бузувчиларни жавобгарликка тортади;

б) партиядан чиқарилганлик ва партиявий жазо берилганлик ҳақида иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг қарорлари устидан берилган шикоят аризаларни кўриб чиқади.

40. КПСС Марказий Комитети партия съездлари орасидаги даврда, зарур бўлиб қолган тақдирда, партия сиёсатининг етилган масалаларини муҳокама қилиш учун Бутуниттифоқ партия конференциясини чақириши мумкин. Бутуниттифоқ партия конференциясини ўтказиш тартибини КПСС Марказий Комитети белгилайди.

## V.
## РЕСПУБЛИКА, ЎЛКА, ОБЛАСТЬ, ОКРУГ, ШАҲАР ВА РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

41. Республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия ташкилотлари ва уларнинг комитетлари ўз фаолиятларида КПСС Программаси ва Уставига амал қиладилар, республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район доирасида партия сиёсатини амалга оширишга оид барча ишларни олиб борадилар, КПСС Марказий Комитети директиваларининг бажарилишини уюштирадилар.

42. Республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия ташкилотларининг, уларнинг раҳбар органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бориш, оммани коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга, давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этиш, меҳнаткашлар моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг оғишмай ўсиб боришини таъминлаш;

б) идеология ишларини ташкил этиш, марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш, маҳаллий матбуот, радио ва телевидениега раҳбарлик қилиш, фан, маданият, халқ маорифи муассасалари фаолиятини контрол қилиш;

в) халқ депутатлари Советларига, касаба союзларига, комсомолга, кооперация ва бошқа жамоат ташкилотларига уларда ишлайдиган коммунистлар орқали раҳбарлик қилиш, меҳнаткашларни мазкур ташкилотларнинг ишларига тобора кенгроқ жалб этиш, социалистик демократияни янада чуқурлаштиришнинг зарур шарти сифатида омманинг ташаббускорлиги ва активлигини ривожлантириш;

г) партия ишида, давлат ва хўжаликни бошқаришнинг барча соҳаларида раҳбарликнинг ленинча принципларига ва методларига қатъий риоя қилиш, ленинча услубни қарор топтириш, идеологик, ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятининг бирлигини таъминлаш, ҳамма соҳаларда давлат ва меҳнат интизомини, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш;

д) кадрлар сиёсатини ўтказиш, кадрларни коммунистик ғоявийлик, ахлоқий поклик, топширилган иш учун партия ва халқ олдида юксак масъулият ҳис қилиш руҳида тарбиялаш;

е) ўз республикаси, ўлкаси, области, округи, шаҳри, районида доирасида партиянинг турли муассаса ва корхоналарини ташкил этиш, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш; ўз ташкилотида партия маблағларини тақсимлаш; ўз ишлари тўғрисида юқори партия органига мунтазам равишда ахборот ва ҳисоб бериб туриш.

### РЕСПУБЛИКА, ЎЛКА ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

43. Область, ўлка, республика партия ташкилотининг юқори органи область, ўлка партия конференцияси, иттифоқдош республика Компартиясининг съездидир, конференция ёки съездлар орасида эса — область комитети, ўлка комитети, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетидир.

44. Навбатдаги область, ўлка конференцияси область, ўлка комитети томонидан икки-уч йилда бир марта чақирилади. Иттифоқдош республика Компартиясининг навбатдаги съезди республика Компартияси Марказий Комитети томонидан камида беш йилда бир марта чақирилади. Навбатдан ташқари (фавқулодда) конференциялар, съездлар область, ўлка комитетининг, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан ёки область, ўлка, республика партия ташкилотига кирувчи ташкилотлардаги ҳамма аъзоларнинг учдан бир қисмининг талаби билан чақирилади.

Область, ўлка конференциясига, иттифоқдош республика Компартияси съездига вакиллик нормаларини тегишли партия комитети белгилайди.

Область, ўлка конференцияси, иттифоқдош республика Компартиясининг съезди область, ўлка комитетининг, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг, ревизия комиссиясининг ҳисоботларини эшитади, партия, хўжалик ва маданий қурилишга доир ўзи лозим топган бошқа масалаларни муҳокама қилади, область, ўлка комитетини, иттифоқдош республика Компартиясининг Марказий Комитетини, ревизия комиссиясини ва КПСС съездига делегатларни сайлайди.

Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари иттифоқдош республикалар компартиялари съездлари орасидаги даврда, зарур бўлиб қолган тақдирда, партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш учун республика партия конференцияларини чақиришлари мумкин. Республика партия конференцияларини ўтказиш тартибини иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари белгилайдилар.

45. Область, ўлка комитетлари, иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари комитет бюросини, шу жумладан секретарларини сайлайдилар. Секретарлар учун партия стажи камида беш йил бўлиши шарт. Комитетларнинг пленумларида партия контроли комиссияларининг раислари, шу комитетларнинг бўлим мудирлари, партия газета ва журналларининг редакторлари тасдиқланади.

Кундалик масалаларни кўриб бориш ва ижрони текшириш учун область, ўлка партия комитетларида ва иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларида секретариатлар тузилади.

46. Область, ўлка комитетининг, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг пленуми камида тўрт ойда бир марта чақирилади.

47. Область, ўлка комитети, иттифоқдош республика Компартиясининг Марказий Комитети округ, шаҳар, район партия ташкилотларига раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятини текширади ҳамда округ, шаҳар ва район партия комитетларининг ҳисоботларини мунтазам суратда эшитиб туради.

Автоном республикаларнинг, шунингдек ўлкалар ва иттифоқдош республикалар составига кирувчи автоном ва бошқа областларнинг партия ташкилотлари ўлка комитетлари, иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари раҳбарлигида ишлайдилар.

### ОКРУГ, ШАҲАР ВА РАЙОН (ҚИШЛОҚ ВА ШАҲАР РАЙОНЛАРИ) ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

48. Округ, шаҳар, район партия ташкилотининг юқори органи — округ, шаҳар, район комитети томонидан икки-уч йилда бир марта чақириладиган, навбатдан ташқари ҳолларда эса комитет қарори билан ёки тегишли партия ташкилотига кирувчи партия аъзолари умумий сонининг учдан бир қисми талаби билан чақириладиган округ, шаҳар, район партия конференцияси ёки коммунистларнинг умумий йиғилишидир.

Округ, шаҳар, район конференцияси (йиғилиши) комитетнинг, ревизия комиссиясининг ҳисоботларини эшитади, партия, хўжалик ва маданий қурилишга доир ўзи лозим топган бошқа масалаларни муҳокама қилади, округ, шаҳар, район комитетини, ревизия комиссиясини ва область, ўлка конференциясига ёки иттифоқдош республика Компартияси съездига делегатларни сайлайди.

Округ, шаҳар, район конференциясига вакиллик нормаларини тегишли партия комитети белгилайди.

49. Округ, шаҳар, район комитети комитет бюросини, шу жумладан секретарларини сайлайди, шунингдек комитетнинг бўлим мудирларини, партия комиссияси раисини, газеталарнинг редакторларини тасдиқлайди. Округ, шаҳар, район комитети секретарлари учун партия стажи камида беш йил бўлиши шарт. Комитетларнинг секретарлари область, ўлка комитети, иттифоқдош республика Компартиясининг Марказий Комитети томонидан тасдиқланади.

50. Округ, шаҳар, район комитети бошланғич партия ташкилотларини тузади, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, партия ташкилотларининг иши тўғрисидаги ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб туради, коммунистларнинг учётини олиб боради.

51. Округ, шаҳар, район комитетининг пленуми камида уч ойда бир марта чақирилади.

## VI.
## ПАРТИЯНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

52. Бошланғич ташкилотлар — партиянинг негизидир.

Бошланғич партия ташкилотлари партия аъзолари ишлайдиган жойда — заводлар, фабрикалар, совхозлар ва бошқа корхоналарда, колхозларда, Қуролли Кучларнинг қисмларида, муассасаларда, ўқув юртларида ва шу каби жойларда камида уч партия аъзоси бўлган тақдирда тузилади. Зарур бўлган ҳолларда коммунистлар истиқомат қиладиган жойларда ҳам территориал бошланғич партия ташкилотлари тузилиши мумкин.

Айрим ҳолларда область, ўлка комитети, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг рухсати билан ишлаб чиқариш бирлашмасига кирадиган ва одатда, бир район территориясида ёки бир шаҳардаги бир неча район территориясида жойлашган бир неча корхоналар доирасида партия ташкилотлари тузилиши мумкин.

53. 50 дан ортиқ КПСС аъзоси ва аъзолигига кандидат бўлган корхоналарда, колхозларда, муассасаларда район, шаҳар, округ комитетининг рухсати билан умумий бошланғич партия ташкилоти ичида цехлар, участкалар, фермалар, бригадалар, бўлимлар ва ҳоказоларда партия ташкилотлари тузилиши мумкин.

Цех, участка ва шу каби партия ташкилотлари ичида, шунингдек партия аъзолари ва кандидатлари 50 дан кам бўлган бошланғич партия ташкилотлари ичида бригадалар ва ишлаб чиқаришнинг бошқа звеноларида партия группалари тузилиши мумкин.

54. Бошланғич партия ташкилотининг юқори органи — камида ойда бир марта ўтказиладиган партия йиғилишидир. Цех ташкилотларига эга бўлган партия ташкилотларида умумий йиғилишлар ҳам, цех йиғилишлари ҳам камида икки ойда бир марта ўтказилади.

300 дан ортиқ коммунисти бўлган йирик партия ташкилотларида умумий партия йиғилиши зарурият туғилишига қараб партия комитети томонидан белгиланадиган муддатларда ёки бир қанча цех партия ташкилотларининг талаби билан чақирилади.

55. Кундалик ишларни олиб бориш учун бошланғич, цех партия ташкилоти икки-уч йил муддатга бюро сайлайди, бюро аъзоларининг сонини партия йиғилиши белгилайди. Партия аъзоларининг сони 15 дан кам бўлган бошланғич ва цех партия ташкилотларида бюро эмас, балки партия ташкилотининг секретари ва унинг ўринбосари сайланади.

Бошланғич ва цех партия ташкилотларининг секретарлари учун партия стажи камида бир йил бўлиши шарт.

150 дан кам партия аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотларида, одатда, маош олиб ишлайдиган партия ходимлари лавозими белгиланмайди.

56. Партия аъзолари ва аъзолигига кандидатларнинг сони 300 дан ортиқ бўлган йирик корхоналар ва муассасаларда, зарур ҳолларда эса, ишлаб чиқариш хусусиятларини ва территориал тарқоқликни ҳисобга олиб, 100 дан ортиқ коммунисти бўлган ташкилотларда ҳам область, ўлка комитетларининг, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг рухсати билан партия комитетлари тузилиши ва бу корхоналар, муассасаларнинг цех партия ташкилотларига бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқи берилиши мумкин.

Колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа корхоналарнинг партия ташкилотларида 50 коммунист бўлган тақдирда партия комитетлари тузилиши мумкин.

500 дан ортиқ коммунисти бўлган партия ташкилотларида айрим ҳолларда область, ўлка комитетларининг, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг рухсати билан йирик цехларда партия комитетлари тузилиши, ишлаб чиқариш участкаларининг партия ташкилотларига эса бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқлари берилиши мумкин.

Партқомлар икки-уч йил муддатга сайланади, улар составининг миқдорини умумий партия йиғилиши, конференция белгилайди.

Партқомлар, партия бюролари, бошланғич, цех партия ташкилотларининг секретарлари ўз ишлари ҳақида партия йиғилишларида коммунистларга мунтазам равишда ахборот бериб турадилар.

57. 1000 дан ортиқ коммунисти бўлган бошланғич ташкилотлар партқомларига иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг рухсати билан КПССга қабул қилиш, партия аъзолари ва аъзолигига кандидатлари учётини юргизиш ҳамда коммунистларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш юзасидан район партия комитети ҳуқуқлари берилиши мумкин.

Бу ташкилотларда кенгайтирилган составда партқомлар сайланиб, улар ичида кундалик ишларга раҳбарлик қилиш учун бюро тузилиши мумкин.

58. Бошланғич партия ташкилоти ўз фаолиятида КПСС Программаси ва Уставига амал қилади. У меҳнат коллективининг сиёсий ўзаги бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида бевосита иш олиб боради, уларни партия теварагига жипслаштиради, коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга уюштиради, партиянинг кадрлар сиёсатини ўтказишда актив қатнашади.

Бошланғич партия ташкилоти:

а) КПССга янги аъзолар қабул қилади;

б) коммунистларни партия ишига садоқат, ғоявий эътиқод, коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайди;

в) коммунистларнинг марксча-ленинча назарияни коммунистик қурилиш практикаси билан мустаҳкам боғлаб ўрганишини ташкил қилади. Марксизм-ленинизмни ревизионистик бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга ва уни догматик тарзда талқин қилинишига қарши, буржуазия идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига, қолоқ қарашлар ва кайфиятларга қарши курашади;

г) коммунистларнинг меҳнатдаги, корхона, колхоз, муассаса, ўқув юрти ва шу сингариларнинг ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётидаги авангардлик ролини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

д) иқтисодий ва социал тараққиёт вазифаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқади, давлат планларини ва меҳнаткашларнинг мажбуриятларини бажариш учун, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибани кенг жорий этиш учун социалистик мусобақага бошчилик қилади, меҳнаткашларни ички резервларни излаб топишга сафарбар этади, материал, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишга ҳаракат қилади, жамоат бойлигини сақлаш ва кўпайтириш ҳақида, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

е) оммавий агитация ва пропаганда ишини олиб боради, меҳнаткашларни коммунизм ғояларига садоқат, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялайди, юксак сиёсий маданият ҳосил қилишда уларга кўмаклашади, қонунга биноан меҳнат коллективининг корхона, муассасани бошқаришдаги ролининг ошувини таъминлайди, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари активлигини ривожлантиришга ёрдам беради;

ж) танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш асосида бюрократизм, маҳаллийчилик, маҳкамачилик кўринишларига қарши, давлат, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузишга қарши кураш олиб боради, давлатни алдашга уринишларнинг олдини олади, корхоналар, колхозлар ва муассасаларда бўшашувчанлик, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши чоралар кўради;

з) округ, шаҳар, район комитетига бутун фаолиятида ёрдам беради ва ўз иши тўғрисида унга ҳисоб бериб туради.

59. Саноат, транспорт, алоқа, қурилиш, моддий-техника таъминоти, савдо, умумий овқатланиш, коммунал-маиший хизмат корхоналарининг, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг, лойиҳалаш ташкилотлари, конструкторлик бюролари, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, маданий- маърифий ва даволаш муассасаларининг бошланғич партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Министрликлар, давлат комитетлари ҳамда бошқа марказий ва маҳаллий совет, хўжалик муассасалари ва идораларининг партия ташкилотлари аппаратнинг партия ва ҳукумат директиваларини бажаришга, совет қонунларига риоя қилишга оид иши устидан контролни амалга оширадилар. Улар аппарат ишини такомиллаштиришга актив таъсир қилишлари, ходимларни топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашлари, давлат интизомини мустаҳкамлаш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш чораларини кўришлари, бюрократизм ва сансалорликка қарши кескин кураш олиб боришлари, муассасалар ишидаги, шунингдек айрим ходимлар ишидаги камчиликлар тўғрисида, уларнинг эгаллаб турган лавозимларидан қатъи назар, ўз вақтида тегишли партия органларини хабардор қилиб туришлари лозим.

**Изоҳ.** Бошланғич партия ташкилотларида маъмурият фаолиятини ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича аппарат ишини контрол қилиш ҳуқуқини амалга оширувчи комиссиялар тузилиши мумкин.

## VII.
## ПАРТИЯ ВА ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

60. КПСС давлат ва жамоат ташкилотларига раҳбарликни уларда ишлайдиган коммунистлар орқали амалга оширади. Партия давлат ва жамоат ташкилотлари Конституцияда белгиланган ўз ваколатларини, Уставда белгиланган ҳуқуқ ва вазифаларини тўла-тўкис бажаришларига ҳаракат қилади, уларнинг ишига меҳнаткашларнинг кенг жалб этилишига ёрдам беради. Партия ташкилотлари СССР Конституцияси доирасида иш олиб борадилар, улар совет, касаба союз, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ўрнини олмайдилар, партия органлари ва бошқа органларнинг функциялари аралаштириб юборилишига, ишда кераксиз параллелизмга йўл қўймайдилар.

61. Давлат ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан чақириладиган съездлар, конференциялар, йиғилишларда, шунингдек бу ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган органларида, партия аъзолари уч кишидан кам бўлмаса, партия группалари ташкил этилади. Бу группаларнинг вазифаси — партия ташкилотларидан бошқа тегишли ташкилотларда партия таъсирини ҳар томонлама кучайтириш ва партия сиёсатини ўтказишдан, ана шу ташкилотлардаги ишнинг аҳволи учун, улар фаолиятида демократик нормаларга қатъий риоя қилиниши учун коммунистлар активлигини ривожлантириш ва масъулиятини оширишдан, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашдан, бюрократизмга қарши кураш олиб боришдан, партия ва совет директиваларининг бажарилишини текширишдан иборатдир.

62. Партия ташкилотларидан бошқа ташкилотлардаги партия группалари ишига тегишли партия органлари: КПСС Марказий Комитети, иттифоқдош республика Компартиясининг Марказий Комитети, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитети раҳбарлик қилади.

## VIII.
## ПАРТИЯ ВА КОМСОМОЛ

63. Ёшларнинг ташаббускор ижтимоий-сиёсий ташкилоти бўлган Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи — партиянинг актив ёрдамчиси ва резервидир. Комсомол ёшларни коммунизм руҳида тарбиялашда, уларни янги жамиятни амалда қуришга, давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этишда, ҳар томонлама етук кишилар авлодини камол топтиришда партияга ёрдам беради.

64. Комсомол ташкилотлари корхона, колхоз, муассаса ишига оид масалаларни муҳокама қилишда ва уларни тегишли партия ташкилотлари олдига қўйишда кенг ташаббус кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар, бу масалалар айниқса ёшларнинг меҳнати, турмуши, таълим ва тарбиясига тааллуқли бўлса, уларни ҳал этишда бевосита иштирок қиладилар. Комсомол ташкилотлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида партия йўл-йўриқларини актив амалга оширувчилар бўлишлари лозим.

65. ВЛКСМ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлигида ишлайди. ВЛКСМ маҳаллий ташкилотларининг иши тегишли республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотлари томонидан йўналтириб ва контрол қилиб турилади.

Маҳаллий партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида комсомол ташкилотларига таянадилар, уларнинг фойдали ташаббусларини қўллаб-қувватлайдилар, уларнинг фаолиятига бутун чоралар билан ёрдам кўрсатадилар.

66. КПССга қабул қилинган ВЛКСМ аъзолари, агар улар сайлаб қўйиладиган комсомол органларининг аъзолари бўлмасалар ва комсомол ишида бўлмасалар, партияга кирган пайтларидан бошлаб комсомол аъзолигидан чиқадилар.

## IX.
## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДАГИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

67. Қуролли Кучларнинг партия ташкилотлари ўз фаолиятларида КПСС Программаси ва Уставига амал қиладилар ҳамда Марказий Комитет тасдиқлайдиган инструкциялар асосида ишлайдилар. Бу партия ташкилотлари Қуролли Кучларда партия сиёсатини амалга оширишни таъминлайдилар, уларнинг шахсий составини Коммунистик партия теварагига жипслаштирадилар, жангчиларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида, социалистик Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялайдилар, армия билан халқ бирлигининг мустаҳкамланишига актив ёрдам берадилар, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар, шахсий составни жанговар ва сиёсий тайёргарлик вазифаларини бажаришга, янги техника ва қурол-яроғларни эгаллашга, ўз ҳарбий бурчини, қўмондонликнинг буйруқ ва фармойишларини бенуқсон бажаришга сафарбар қиладилар.

68. Қуролли Кучлардаги партиявий ишга раҳбарлик КПСС Марказий Комитети томонидан КПСС Марказий Комитетининг бўлими ҳуқуқида ишлайдиган Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси орқали амалга оширилади.

Округ ва Флотлар сиёсий бошқармаларининг бошлиқлари, армиялар, флотилиялар ва қўшилмалар сиёсий бўлимларининг бошлиқлари учун беш йиллик партия стажи бўлиши шарт.

69. Қуролли Кучларнинг партия ташкилотлари ва сиёсий органлари маҳаллий партия комитетлари билан мустаҳкам алоқада бўладилар, уларга ҳарбий қисмлардаги сиёсий иш тўғрисида мунтазам равишда ахборот бериб турадилар. Ҳарбий партия ташкилотларининг секретарлари ва сиёсий органларнинг раҳбарлари маҳаллий партия комитетларининг ишида иштирок этадилар.

## X.
## ПАРТИЯНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ

70. Партиянинг ва унинг ташкилотларининг пул маблағлари аъзолик взносларидан, партия корхоналаридан келадиган даромадлардан ва бошқа тушумлардан иборат бўлади.

Партиянинг пул маблағларидан фойдаланиш тартибини КПСС Марказий Комитети белгилайди.

71. Партия аъзолари ва КПСС аъзолигига кандидатлар учун ойлик аъзолик взнослари қуйидаги миқдорда белгиланади:

ойлик иш ҳақи:

70 сўмгача бўлганлар 10 тийин,

71 сўмдан 100 сўмгача бўлганлар 20 тийин тўлайдилар;

101 сўмдан 150 сўмгача бўлганлар ойлик иш ҳақининг 1,0 процентини

151 сўмдан 200 сўмгача бўлганлар ойлик иш ҳақининг 1,5 процентини

201 сўмдан 250 сўмгача бўлганлар ойлик иш ҳақининг 2,0 процентини

251 сўмдан 300 сўмгача бўлганлар ойлик иш ҳақининг 2,5 процентини

300 сўмдан ошиқ бўлганлар ойлик иш ҳақининг 3,0 процентини тўлайдилар.

72. Партия аъзолигига кандидатликка кириш вақтида ойлик иш ҳақининг 2 проценти миқдорида кириш взноси тўланади.

